

МУРАККАБ ҚЎШМА ГАПЛАР ВА МАТН

Вахабова Дилназа Исламкуловна

Ж.Ташенов университети магистранти (Қозоғистон)

Аннотация. Мазкур мақолада мураккаб қўшма гапларнинг матн ҳосил қилишдаги ўрни, уларнинг синтактик ва семантик хусусиятлари таҳлил қилинади. Микроматн ҳамда макроматн таркибида мураккаб қўшма гапларнинг функцияси, матн компонентлари ўртасидаги боғланиш воситалари ва ийерархик муносабатлари ёритилади. Шунингдек, мураккаб синтактик бутунликнинг структуравий маркази ҳамда матн шаклланишидаги коммуникатив аҳамияти изоҳланади.

Калит сўзлар: *мураккаб қўшма гап, матн, микроматн, макроматн, мураккаб синтактик бутунлик, синтактик бирлик, матн компоненти, боғланиш воситалари, статик қўшма гап, динамик қўшма гап, ийерархик муносабат, синтактик тузилиш.*

Маълумки, мураккаб қўшма гаплар минимум икки нисбий мустақил гапнинг бир микромавзу остида бирикиши ва уни ёритиши асосида шаклланади. Бошқача қилиб айтганда, мураккаб қўшма гаплар таркиби минимум иккита гапдан иборат бўлади, лекин унинг максимум нечта гапдан иборат бўлишида аниқ чегара қўйилмайди. Буни матннинг ички қонуниятлари, нутқ муаллифининг индивидуал манераси – услуби ва мавзунинг ёритилиш даражаси, ҳажм ва доираси белгилайди.

Маълумки, матннинг макромавзуси микромавзулар кетма-кетлиги натижасида ёритилади ва бу микромавзулар мураккаб қўшма гаплар орқали ифодаланади.

Масалан: *Еру кўкни кафанга ўраб ташлашга қасд қилгандек, шунақанги шиддат билан ёғяптики, кўча четидаги дарахтлар табиатнинг муқаррар ҳукми олдида ночор таъзим бажо қилгандек энкайиб қолибди.* (Ў.Ҳошимов)

Содда ёки қўшма гапнинг қисмлари – бўлақларини боғловчи лексик грамматик воситалар бўлгани каби, мураккаб қўшма гапларни ташкил этувчи нисбий мустақил гапларнинг ўзаро

боғланишини таъминловчи ва мураккаб қўшма гапларни шакллантирувчи воситалар ҳам мавжуд. Маълумки, мураккаб қўшма гаплар таркибида шакллантирувчи воситаларнинг у ёки бу тури албатта иштирок этади. Матн таркибида кетма-кет келган мураккаб қўшма гаплар таркибида бундай воситаларнинг ҳам ўзгариб туриши кузатилади. Масалан, бир мураккаб қўшма гапда шакллантирувчи восита сифатида «такрор» иштирок этса, кейинги мураккаб қўшма гапда олмошлар ёки синонимлар шундай функция бажариши мумкин.

Соат бешига қадар бўлган вақт Асадбекнинг назарида гўё минг йилдек чўзилди: кенг, ёруғ меҳмонхона тор, қоронғу зиндон каби туюлди, тўрт девор тобора бостириб келаётгандек бўлаверди. (Т.Малик)

Боғланишли нутқ таркибидаги грамматик гап матн билан боғлиқ бўлади. Сўзловчининг мураккаб ижодий фикр ифода қилишга бўлган эҳтиёжи икки ёки ундан ортиқ гапларни мазмун ва грамматик жиҳатдан боғлаб, йирик синтактик бирликлар – мураккаб қўшма гапларни ҳосил қилади.

Айтилмоқчи бўлган фикр алоҳида олинган бир гап билан ойдинлашмай қолиши мумкин. Шу вақтда муаллиф шу гапнинг мазмунини изоҳловчи, мазмунан бир-бирига алоқадор бўлган бир қатор гапларни ёнма-ён келтиради. Бу нарсa йирик грамматик тузилманинг ҳосил бўлишига олиб келади.

Ҳозирги ўзбек тилида мавжуд бўлган матннинг бир турини, яъни микроматнни ҳосил қилаётган мураккаб қўшма гапларни уч типга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Статик мураккаб қўшма гаплар. Бундай гаплар тасвирий характерга эга бўлиб, улар грамматик асарлар тилида учрайди. Тасвирий мураккаб қўшма гаплар бир неча номинатив гаплардан ёки шуларга яқин бўлган гап типларидан ташкил топади.

2. Динамик мураккаб қўшма гаплар Бундай гаплар таркибида анафора ва эпифоралардан фойдаланилади.

3. Аралаш типли мураккаб қўшма гаплар. Бунда юқоридаги иккала тип аралаш ҳолда ишлатилади.

Ҳар қандай гап грамматик жиҳатдан структурал тугаллиги билан фарқланади. У эга ва кесим гуруҳи ёки уларнинг бири орқали шаклланиб, интонацион бутунликка эга бўлади. Фикран эса матндан ажратиб олинган гап одатда тугал бўлмайди. Фақат нутқдагина у тугал фикр англатади. Унинг тугал фикр англатиши матнга боғлиқдир. Гапларнинг реал ҳаёти боғланишли нутқ оқимида намоён бўлади. Матндан ажратиб олинган гап грамматик мустақиллигини сақласа ҳам, матндаги бошқа гаплар билан боғлиқ бўлган фикрий тугаллигини йўқотади. Нутқ оқимидан ажратиб олинган гапларнинг фикран мустақиллиги нисбийдир. Фақат айрим гапларгина, масалан, мақол ва ҳикматли сўзларнинг айрим турлари, баъзи ахборотлар ёки хроникал мақолалар таркибидаги гаплар, абзац вазифасида келган гаплар ўз табиати билан мустақил бўлиши мумкин. Масалан: Ойни этак билан ёпиб бўлмас (Мақол). Бу мақолда олам-олам мазмун бўлиб, у мустақил ҳолда ҳам бир матн мазмунини жамғарган.

Гапларни фикран нотугал, тузилишига кўра мустақил тўлиқлиги уларнинг оппозицион табиатини белгилайди. Фикрнинг тугаллик томон ривожланиши бошқа гапларнинг келишини тақозо қилади.

Йирик грамматик тузилма жиҳатидан уюшган жумлалар матн саналади. У нашр орқали акс эттирилган нутқ ёки нутқ парчасидир. Матн ўз характери ва тузилишига кўра икки хил: макроматн, микроматн. Макроматн тўлиқ асар, мақолалар шаклида намоён бўлади. Микроматн абзац, синтактик бутунлик, период шаклида намоён бўлади. Ҳар бир асарнинг таркибидаги абзац, синтактик бутунлик, период микроматн саналади. Уларнинг барчаси йирик синтактик бирлик ҳисобланади.

Матннинг йирик синтактик бирликларидан бўлган мураккаб синтактик бутунликнинг структурал қурилишда асосий ролни кўпинча биринчи гап ўйнайди. Биринчи гап мавзунини белгилайди, бу мавзу кейин жойлашадиган гапларнинг мазмунини ёрдамида ойдинлашади. Биринчи гап мураккаб синтактик бутунликнинг мазмунини ва синтактик марказини ташкил этади, фикрнинг яна

давоми борлигини эслатади, шу билан бирга унинг тузилишини белгилайди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, «қўшма гап» терминининг қўлланилиши билан бир қаторда, тилшуносликда «мураккаб бутунлик» тушунчасидан ҳам фойдаланилиб келинмоқда. Кўпгина олимларнинг таъкидлашича, мазкур терминнинг ишлатилиши ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир, зотан, мураккаб синтактик бутунлик тушунчаси матн мазмунига бирмунча яқинроқдир.

Мазкур терминни қўллашдан асосий мақсад, албатта, тил бирликларининг ҳам, нутқ бирликларининг ҳам функционал фаоллашувида иерархик муносабат қонуниятига амал қилишдан иборатдир.

Иерархия асли юнонча бўлиб, мансаб поғоналари маъносини англатади. Тилшуносликда «бир-бирига нисбатан ост-уст муносабатдаги тил босқичлари мажмуаси» маъносини англатиш учун ишлатилади. Асли тил қурилишининг босқичлари мажмуаси эмас, балки бундай босқичларни ажратиш учун асос бўладиган тил бирликлари тизимларининг ўзаро муносабати ҳисобланади. (1, 73).

Ҳозирги замон тилшунослигида матн компонентлари таснифи анча мураккабдир. Чунки мустақил сўздан бошлаб гап, мураккаб синтактик қурилмалар, абзац, боб кабиларнинг барчаси матн компонентлари жумласига киради. Матн бир сўз билан ёки сўз бирикмаси билан ифодаланганда унинг компоненти вазифасида мустақил сўз келади. масалан: «Жимжитлик» (асар номи), «Мунгли кўзлар». Одатда катта матнлар бир нечта гапдан ташкил топган бўлади. Шунинг учун гап матннинг асосий компоненти ҳисобланади.

Тил бирликларининг поғонали (иерархик) муносабати кичик тил бирликларининг катта бирлик сатҳида қўлланишини тақозо этади. Масалан, фонема морфема ёки сўз сатҳида, морфема сўз сатҳида, сўз гап сатҳида синтакти фаоллик касб этади. Тилда фақат ўз категориясида тегишли бирлик доирасида синтактик фаолликка эриша оладиган бирор бирлик йўқ.

Катта матн таркибида келувчи компонентлар ўз грамматик категорияларига кўра бир хил бўлмайди. Уларнинг бири сўз, иккинчиси сўз бирикмаси, учинчиси гап, тўртинчиси мураккаб синтактик қурилма, бешинчиси абзац каби категорияларда бўлиши мумкин. Аммо ана шу категориялардаги ҳар бир компонент синтактик ва семантик фаоллашуви жиҳатидан поғонали муносабатни тақозо этади.

Матн бир сўз билан ифодаланган бўлса, унда тил бирликларининг поғонали муносабати фонема, морфема ва сўзлар мисолида кузатилади. Морфемалар сўзнинг таркибий қисми сифатида синтагматик қатор сатҳида фаоллашади. Матн сўз бирикмаси билан ифодаланганда ҳам поғонали муносабат морфемалар мисолида бўлади. Зотан, сўз бирикмаси номинатив бирликни тақозо этади. Агар сўз бирикмасини гапнинг сатҳида ўрганадиган бўлсак, поғонали муносабат сўз бирикмаси ва гап категориялари орасида вужудга келади. Бироқ бундай вазиятда сўз бирикмаси матн мақомида бўлмайди.

Матн гап билан ифодаланган бўлса, поғонали муносабат сўз ва гап доирасида вужудга келади. Айни пайтда қўлланиладиган ҳар бир сўз гап таркибида синтактик ва семантик фаолликка эга бўлади.

Матн компонентлари гап ёки мураккаб синтактик қурилмалар билан ифодаланганда вазият бирмунча мураккаблашади. Бошқача айтганда, гап мураккаб синтактик қурилма ёки матн таркибида синтактик фаоллик олади. Мураккаб синтактик қурилма эса ўз навбатида абзац ёки катта матн сатҳида синтактик актуаллик олади.

(2)

Рус тилшуносларидан айримлари тилда гапларнинг эргаш боғланишини ҳам, тенг боғланишини ҳам тўлиқ инкор этиб, икки гапнинг ўзаро семантик-синтактик алоқаси матнни шакллантиришга олиб келишини таъкидлайдилар. Баъзилари қўшма гап икки ёки ундан ортиқ коммуникатив маъноли хабар парчаларини гапларнинг ўзаро онгли равишдаги бирикуви натижасини тақозо этишини, унинг структурасида матнга хос жиддий белгилар мавжудлигини эътироф этадилар.

Бундан кўринадикки, кўшма гап терминидан ташқари кўлланилаётган барча атамалар кўшма гапда матн ифодаси борлиги масаласи билан узвий боғлиқдир. Бундай характердаги бир неча гапнинг кўшилишидан ташкил топган синтактик бутунликларнинг яна бири период деб аталади. Периоднинг таркибида содда гаплар ҳам, кўшма гаплар ҳам қатнашиши мумкин. Период тузилиши, интонацияси, мазмунига кўра яхлит бир бутунликни ташкил этади. Бу хил бутунликлар содда ёки мураккаб бўлиши мумкин. Агар улар бир хил, бир типдаги гаплардан тузилса (масалан, бир неча эргаш гапли мураккаб кўшма гаплар ёки бир неча содда гаплардан тузилган, боғланиш йўли билан бириккан мураккаб кўшма гаплар), содда период дейилади. Агар бу бутунлик турли хил гаплардан тузилса (аралаш турдаги мураккаб кўшма гаплар), мураккаб период дейилади. (3)

Эр-хотин уйга кирганда чой дамланган, катта қора қумгон эски бўз дастурхонга ўраб қўйилган, сандал устидаги гирдоб патнисда уч товоқ қаймоқ, сариқ мағиз ундан қилинган нон турарди (Ҳамид Гулом).

Йигитлар ўзларини унга маъқул қилишлари учун бири ўсган иягини хижолатлик билан ишқади, бири бошидан кир дўпписини олиб бошқатдан кийди, бири шапкаси билан табуреткани артиб, уни ўтиришга таклиф этди (Саид Аҳмад).

Султоннинг кўзларидан тирқираб ёш оқар, бир-бирини ювиб оққан ёш томчилари кенг юзини селдай ювиб, оқ оралаган сийрак соқолига, соқолидан бўйнига томчиларди (Одил Ёқубов).

Бир неча гапларнинг, шу жумладан мураккаб синтактик курилмаларнинг бирикувидан ташкил топган бутунликни матн деб, агар у матн ичида берилган бўлса матн компоненти деб аташ мақсадга мувофиқ.

Маълумки, матннинг характерли белгиларидан бири тугалланган фикр билдиришидир. Унинг иккинчи белгиси компонентларининг мазмунан боғланишли эканлиги ҳисобланади. Зотан, матн горизонтал чизикда (синтагматик қатор доирасида)

шаклланади ва бу жиҳатдан коммуникатив яхлитликни ташкил этади. Шундай бўлгач, боғланишлилик икки кўринишда воқеланади:

1. Матнда берилаётган икки ёки ундан ортиқ ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик.

2. Ҳодисаларнинг ўзаро қоришуви натижасида шаклланган маъно бутунлигида акс этувчи боғлиқлик.

Матнда боғланишлилик унинг компонентлари муносабатида, яъни уларнинг семантик муносабатида ўз аксини топади. Семантик муносабат ўз навбатида икки турли бўлади:

1. Радикал муносабат. Бунда матн компонентлари ўзаро тўғридан-тўғри боғланмай, матнда ифодаланаётган умумий маъно сатҳида муносабатга киришади.

2. Тўғридан-тўғри ёки бевосита муносабат. Бунда матннинг таркибий қисмлари бир-бирига боғлиқ бўлади ва бирининг маъноси иккинчисининг таъсирида ойдинлашади. Бундай муносабат матннинг маъно бутунлигини таъминлайди.

Қўшма гап фикр ифодаси синтактик шаклининг энг юқори ва мураккаб поғоналаридан бирини ташкил этади.

Қўшма гап икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг механик тарздаги бирикувини эмас, балки муайян коммуникатив вазифа бажарилиши учун хизмат қилувчи шаклий ва мазмуний бутунликни ташкил этган синтактик қурилмалар бирикувини тақозо этади. Шу боис қўшма гап ўзига хос мураккаб шакл, маъно ҳамда оҳанг бутунлиги маҳсули саналади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Раҳматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари. — Тошкент.: Университет, 2007. Б.73.

2. Турниёзов Н., Турниёзова К. Функционал синтаксисга кириш. —Тошкент.: Фан, 2003. Б.42.

3. Абдурахмонов Ғ. Қўшма гап синтаксиси асослари. — Тошкент, 1958. Б.186.

4. Сапарниязова Муяссар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. ОЎМТВнинг 2018 йил 14 июндаги 531-сонли буйруғи билан нашрга тавсия қилинган. Т., 2018. 17 б.т.

5. Gulnoza Zaynutdinova. Presedent birliklar va turg'un birikmalarning badiiy matndagi poetik ahamiyati (Shuhrat Orif ijodi misolida). *Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim*, 2024/10. B. 37-42.

6. Zaynutdinova, G. (2020). Combination of image and spirituality in Odil Yakubov's novel "Old world". *Middle european scientific bulletin Ученые: Publishing house Education and Science sro*, 5.

7. Islom o'g, A. M. R., & Baxirovich, N. S. (2023). The linguocultural approach to the study of linguistic phenomena. *American Journal of Research in Humanities and Social Sciences*, 11, 132-137.

8. Ismailov, G. Anthropocentrism in phraseological picture of world (on the example of Uzbek, Kazakh and Karakalpak languages). *中国湖州* 2022 № 4 (13), 137.

9. Rahmatov, M. (2025). Murojaat so 'zlari nutq adresatini ifodalovchi vosita sifatida. *Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyalar*, 1(6), 93-98.

10. Rahmatov, M. (2020). O 'zbek tili sintaksisi rivojida chun bog 'lovchisining o 'rni. *Oltin bitiglar–Golden Scripts*, 3(3).

11. Rahmatov, M. (2025). Qo'shma fe'l komponentlari inversiyasi. In *Conferences* (Vol. 1, No. 01).